

Бугун сизлар хавойи нафслар илмга тобеъ замонда яшаяпсиз. Хали шундай замонлар келадики, унда илм хавойи нафсларга тобеъ бўлади.

Абдуллох ибн МАСЪУД

А. ХАТИБЗОДА:

Бундан бир неча юз йиллар илгари Туркистонга келиб, бадавий бир холда яшаган халкларни маданий бир холга келтириб, улуг-буюк аллома Тафтазоний, Бухорий, Форобий, Хожа Ахрор Валий, Хожа Ахмад Яссавий, Навоий ва шулар каби канча дохий, олим-уламолар, зўр ҳакимларни етиштирган, инсонларнинг, моликларнинг аклини шошириб, хайратда колдирадиган тоғ каби бино-равоклар, катта-катта масжид-мадрасаларни ясатган, неча минглаб талабаларни ўқитган Ислом дини, Ислом маданияти ҳозирги асримизда мазлум, маъзун, эътибордан соқит бўлиб ётмоқда. Сабаби эса сўнги чоклардаги илмсиз, маърифатсиз хонлар элнинг чироги-йўлбошчиси бўлган уламоларни ўз бўйинтуруглари остига олиб, соф йўлни ўз шайтанат йўлларига татбик этдилар. Бечора уламолар тор кўзлари, кичкина микёсда топган тарбиялари асосида жохил, хоин хонларнинг бўйинтуруги остига кириб, айтганича ишламакка мажбур бўлдилар.

(«Ҳакикат» журнали, 1922 йил, 1-сон)

АЛИХОНТЎРА СОГУНИЙ:

Нима учун кейинги асрларда Туркистон халки жохилият боткоғига ботди? Бунинг бош сабаби – динни асоси билан тушунмаган илм-маданият душманлари ҳокимият тепасида бўлдилар. Ўзларини “дин хомийлари” деб эълон қилиб, халкни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йирок тутдилар. Чет давлатлар билан алоқа боғламадилар, ўқиш-ўқитиш ишларига ҳеч қандай аҳамият бермадилар. Шунинг учун Туркистон халқининг ичида уйғониш, фикр очилиш бўлмади. Давлатнинг инкирози, миллатнинг онгсизлиғига шу жохиллар сабабчидур.

(«Ватан ахлларига деганларим» мақоласидан, «Ўзбегим», Т, 1992)

ИСМОИЛБЕЙ ГАСПИРАЛИ:

Биз, туркийлар ўз тарихи тонгидаёқ ёзувига эга бўлган, кейин ҳам уни илм ва тафаккурдаги улкан муваффақиятлар билан безаган қабила сифатида яшаб келдик ва шундай яшажаякмиз. Агар биз муайян тарихий шароитлар туфайли бошқа халклардан орқада қолган эканмиз, бу ҳали миллий-маданий инкишоф ҳуқуқидан маҳрум этмайдик, аксинча, у томон янада каттароқ гайрат билан интилишга мажбур этади.

(«Туркчилик» мақоласидан, «Таржумон», 1907 йил, 38-сон)

РИЗОУДДИН ИБН ФАХРИДДИН:

«Султон Маҳмуд аскарларга янги қоида ишлаб чиқишга ва замонга мувофиқ қийинишга, бошқа давлатларга ўхшаб ҳарбий таълим беришга қиришган вақтда Истанбул уламолари бу ислохотга дин номидан қарши туришди... Лекин Султон Маҳмуд динни яхши билганидан ва ҳар бир салла ўраган «олим»нинг хайбарақалласига ўқиб

кетавермаганидан ўз сўзининг устидан чикди, «амри маъруф» ва «нахий мункар» учун йигилган Истанбул кўчаларидаги мутаассибларга замбаракнинг огзини тўғрилаб қўйди... Ўзларини дин йўлида қурбон қилишга чоғланган зотлар энг аввал жуфтакни ростлаб қилишди.

Бу кунларда Бухоро шахрининг уламолари янги усул билан болаларга «алифбо» ўқитишни ман қилдилар, шундай мактабларни дин номидан бекитдилар. Кўкраклар, сонлари очик ўрис кизларнинг театрларда, сиркларда ўйнашларини мактаб, тахсинлар айтиб, сўлакларини оқизишиб томоша қилиб ўтиришда, Ислох вақфларини сотиб еб, қибо билан муомала қилишда ўзлари учун динда монёлик топмаган бу «муборак» зотлар болаларга енгиллик билан ўқиш-ёзишни ўргатадиган бу мактабларнинг очилишида қандай монёлик топишди экан?!»

(«Жавомеъул қалим», Тошкент, «Мовароуннахр», 2004, 95-бет)

ИСХОКХОН ИБРАТ:

«Хар бир давр-замонда янги-янги нарсалар пайдо бўлади, қашф этилади. Мусулмонлар уларни дин ва замона тарозисида тортиб қабул этишлари, қерақлисида ўз манфаатлари йўлида бемалол фойдаланишлари қерак... Аммо айрим нодон ва жохил қимсалар, мутаассиб дин қодимлари ана шу қулайликларни Аллох бандалари учун яратиб қўйганини инқор этиб, уларни харом ёки макрух деб эълон қиладилар ва мусулмонлар орасига низо солиб, уларни тафриқага (бўлинишга) олиб борадилар... Ўрта Осиёда пайдо бўлган поезд, пароход, машина, тилгироф қаби одамлар учун зарур ва фойдали нарсаларни Аллох таоло бандаларига ато этиб турсаю, бизлар жохиллигимизга қориб бу неъматлардан фойдаланишдан бош тортиб турсақ, яхши бўладими?.. Мусулмонлар замонни ўзларига мослаштиришни қутиб ўтирмай, ўзлари ўша замоннинг фойдали илмларига мослашсалар, яхши бўлмасмикин?!»

(«Мезон уз-замон» асаридан, Наманган, Матбааи «Исҳоқия», 1912 йил, 36-бет)

ЮСУФ ҚАРОЗОВИЙ:

«Хамма нарсани тақиклашни яхши қўрадиган ва жуда эҳтиётқорлик билан ёндошиш қерак бўлган «харом» сўзини суиистеъмол қилувчи дин олимлари ҳақида шуни айтиш лозимки, бундай қишлар «харом» сўзини қўпинча мутлақо сабабсиз тилга олишади. Улар наздида телевидение, кино, фотография, аксионерлик жамиятлари, ҳуллас, хамма нарса харом. Умуман, уларнинг бутун ҳаёти харом устига харомдан иборат. Ахир Қуръони қарим шундай буюради: «Аллох сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди» (Бақара сураси, 185-оят). Мусулмон арбоблари ҳамиша замон билан қарақар қадам ташлашлари қерак».

(Интернетнинг «qarozoviy.com» сайти)